

## МУЗЕЙ – МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАСКАНИ

Аймурзаев Абдулла Биймурза улы

Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти Нукус филиали

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада маданий меросимиз билан боғлиқ бўлган музейлар туризм индустриясини ривожлантириши, музей ва туризм уйғунлиги сайёҳларга маънавий озуқа бериши, тарихий ва маданий меросимиз билан яқиндан танишишга имкон яратиши, ўзбек туризмини ривожланиши учун қабул қилинган Президент Фармонлари ва Қарорлари ҳақида ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат музейининг фаолияти ёритилган.

**Калит сўзлар:** музей, туризм индустрияси, маданий мерос, тарихий ёдгорликлар, санъат.

### ANNOTATION

This article is devoted to the developing of the museums tourism industry, harmony of the museum and tourism, our historical and cultural heritage, decrees of the President for developing Uzbek tourism and activity of State art museum of Uzbekistan.

**Keywords:** museum, tourism industry, cultural heritage, historical monuments, art.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ туризм хизматлари замонавий хизмат турлари сифатида талқин қилиниб, унга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларга бой мамлакатдир. Юртимизда жаҳон маданияти хазинасига кирувчи кўплаб архитектура ёдгорликлари мавжуд, жумладан Хива, Бухоро ва Шаҳрисабз ва Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКО “Жаҳон мероси” рўйхатига киритилишининг асосий мақсади бу ўз худудида машҳур бўлган объектларни дунёга танитиш ва уларни ҳимоя қилишдан иборат<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> [И.С. Тухлиев, З.И.Усманова, Ф.Т.Бабасев. 2016, 144]



Бугунги кунда ҳам туризм соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти ташкил этиш тўғрисида”ги 2016 йил 2 декабрда ПҚ-2666-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018-2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217-сонли Қарори, “Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 3 февралдаги ПФ-5326-сонли Фармони, ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий – тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 7 февралдаги ПҚ-3514-сонли қарорлари тасдиқланиб, Республиканинг туризм салоҳиятини, соҳага инновацион ғоя ва технологияларни жорий этиш, шунингдек мамлакатнинг бой табиий, маданий ва тарихий меросининг мавжуд ресурслари ва имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратилмоқда. [2]

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда туризмнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, маданий меросимиз билан боғлиқ бўлган музейлар туризм индустриясини ривожлантиришдаги муҳим соҳалардан бири ҳисобланади.

Бугун мамлакатимизда халқимизнинг тарихий, илмий ва маданий мероси, маънавий қадриятларини ўзида асраб келаётган 130 га яқин музей фаолият кўрсатмоқда. Музейлар Ватанимизнинг ривожланиш тарихи, санъати, маданияти, ижтимоий-маданий соҳаларда эришган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилувчи ўзига хос кўзгудир. Мамлакатимизда бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Музейлар тўғрисида”ги қонуни музейлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириш, уларда сақланаётган ноёб экспонатларни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этишга хизмат қилмоқда. Ёш авлодни ватанпарварлик, халқимиз тарихи ва буюк аجدодларимиз мероси билан фахрланиш руҳида тарбиялашга кўмаклашиш музейларнинг муҳим вазифаларидандир. Бу борада,



табиийки, маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Бу борада Ўрта Осиёда илк бор ташкил этилган бадиий музей ҳисобланган Ўзбекистон Давлат санъат музейи ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Музей 1918 йилда Тошкент шаҳрида Халқ университети музейи сифатида асос солинган. 1935 йилдан музей Ўзбекистон санъат музейи деб атала бошланди. [3]

Ўзбекистон давлат санъат музейининг хилма – хил коллекциялари асосини Ўзбекистон санъати ташкил этиб, Ўзбекистон халқ амалий ва тасвирий санъати, Рус ва Ғарбий Европа санъати, Хорижий Шарқ халқлари санъати бўлимлари бўйича санъат асарлари сақланиб келинади.

Музейнинг энг катта тўпламларидан бири Ўзбекистон тасвирий санъат асарларининг коллекциясидир. Коллекция миллий бадиий маданиятнинг шу тури тарихини тўла-тўқис ифодалаб туради.

Музей фонди хаамиша тўлдирилиб турилмоқда. Шунингдек, музей экспонатлари вақти-вақти билан экспозицияга қўйилади. Музей залларида музей захирасида сақланаётган қадимий санъат турларига оид бўлган тасвирий ва амалий санъат экспонатлари намоишга қўйилган. Музейда турли давлатларнинг санъат кўрғазмалари ташкил қилинган. Бу эса бой ва қизиқарли музей тўпламлари билан гўзаллик, санъат шайдоларини яқиндан таништириш имконини беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон Давлат санъат музейи дунёнинг кўплаб музейлари билан билан турли кўрғазмалар ташкил этиб келмоқда. Жумладан, 2017 йилда Москва замонавий санъат музейи билан ҳамкорликда Андрей Есионовнинг шахсий кўрғазмаси ҳамда Италиянинг йирик МАСРІ тўқимачилик компаниясининг “Мода ҳафталиги” музейида ташкил этилди. 2019 йилда апрел ойида Қозоғистон Республикасининг Миллий музейи билан ҳамкорликда “Буюк дашт: тарих ва маданият” номли кўрғазмаси ташкил этилди. [4]

Музейда сақланаётган қадимий қўлёзмалар, турли даврларга оид тарихий ашёлар, хайкалтарошлик, амалий ва тасвирий санъат намуналарини кўришга, ўрганишга чет эллик сайёҳлар ўртасида ҳам қизиқиш жуда каттадир.

Музейда маркетинг ва туризм бўлими томонидан 2018-2019 йиллар мобайнида 100 дан ортиқ туристик фирмалар билан шартномалар тузилиб, музейга чет эл санъат ихлосмандларини жалб қилиб келмоқда. Музей мамлакатимиздаги энг



сергавжум масканлардан бири бўлиб, йилига 200 мингдан зиёд санъат ихлосмандлари ташриф буюришади.

Музей ва туризмнинг уйғунлиги сайёҳларга маънавий озука бериш билан биргаликда, тарихий ва маданий меросимиз билан яқиндан танишишга имкон яратади. Ўзбекистонда бу турдаги туризмни йўлга қўйиш учун нафақат чет давлатлар билан балки республикамизнинг барча муассасалари билан шартномалар тузиб, қизиқарли тадбирлар ташкил этиб сайёҳларни жалб қилиш мумкин.

Мамлакатга келувчи чет эллик сайёҳлар фойдаланишлари учун йўл кўрсаткичларини чет тилларда рус, инглиз, француз ва немис тилларида чиқариш лозим. Дикқатга сазовор жойлар тўғрисидаги маълумотлар ёнида шу тилларда ёзма ёки овоз тасвиридаги тушунтиришлар берилиши туризм ривожига муҳимдир. Шаҳарларда туристик ахборотлар марказини вужудга келтириш, дикқатга сазовор жойларни реклама қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро туризм соҳасида профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини ташкил этиш ҳамда илмий – тадқиқот ишлари ва ижодий ишларни олиб бориш бўйича Республиканинг ташаббусларини амалий рўёбга чиқариш мақсадида 2018 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси президентининг қарорига мувофиқ Самарқандда “Ипак йўли халқаро туризм университети” ҳамда 2019 йил Тошкентдаги Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида “Маркетинг ва туризм” йўналиши ташкил этилди.

Хулоса ўрнида шуларни таъкидлаш жоизки, юртимизда туристик салоҳияти етарли даражада бой. Бу соҳага берилаётган эътибор унинг ривожланишида муҳим ўрин тутаяди. Лекин шуни ҳеч ҳам унутмаслигимиз керакки, юксалиш, ўсиш бор жойда камчилик албатта бўлади. Мана шу камчиликлар туфайли соҳа яна ҳам олдинга интилиб ривожланишга ҳаракат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Бекмуродов М.Б., Рашидова М.Х. Музейшунослик. – Т.:Фан, 2006.
2. Тухлиев И. Ва бошқалар “Туризм асослари” фанидан дарслик. Тошкент “Фан ва технология”, 2014.



3. Ўзбекистонда аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризм: ривожланиш муаммолари ва истиқболлари. Халқаро илмий-амалий анжуман, мақолалар тўплами. Тошкент, 2016.

4. [www.uzbektourism.uz](http://www.uzbektourism.uz) статистик маълумотлар.

